

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ  
– АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚУРБОНОВ АБДУҚОДИР КЕНЖАЕВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ ТУРЛИ  
ГЕМОДИНАМИК ФЕНОТИПЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ  
ПАТОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА УНДА  
ДАВОЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Қурбонов Абдукодир Кенжаевич**

Сурункали юрак етишмовчилигини турли гемодинамик фенотиплари ривожланишининг айрим патогенетик механизмларини баҳолаш ва унда даволашни муқобиллаштириш ..... 3

**Қурбонов Абдукодир Кенжаевич**

Оценка некоторых патогенетических механизмов развития различных гемодинамических фенотипов хронической сердечной недостаточности и оптимизация её лечения..... 29

**Qurbonov Abdukodir Kenjaevich**

Assessment of some mechanisms of the development of various hemodynamic phenotypes of chronic heart failure and optimization of its treatment..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ  
– АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚУРБОНОВ АБДУҚОДИР КЕНЖАЕВИЧ**

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ ТУРЛИ  
ГЕМОДИНАМИК ФЕНОТИПЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ  
ПАТОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА УНДА  
ДАВОЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib415 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Гадаев Абдиғаффор Гадаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Тимур Атаназарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Акбар Хотамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мухамедов Рустам Султанович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий – амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо - Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4 уй. Тел./факс: (99871) 237-31-57, e-mail: [Info@cardiocenter.uz](mailto:Info@cardiocenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий – амалий тиббиёт марказининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо - Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4 уй. Тел./факс: (99871) 237-31-57.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Д. Курбанов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, академик

**Г.У. Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.Б. Шек**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ҳозирги кунда жаҳон аҳолиси орасида кенг тарқалган ҳасталиклардан бири ҳисобланади. «Дунё аҳолисининг 2 - 4% СЮЕ билан ҳасталанган бўлиб, ушбу ташхис аниқлангандан сўнгги 5 йил ичида юзага келадиган ўлим ҳолати аёлларда 45, эркакларда 60% гача етиб бормоқда, яқин 20 йил ичида унинг аҳоли орасида тарқалганлиги 25%га ошиш эҳтимоли мавжуд...»<sup>1</sup>. Сўнгги йилларида касалликни даволашда самараси исботланган дори воситаларини амалиётда кенг қўлланилишига қарамасдан СЮЕ Ўзбекистонда ҳам энг кўп тарқалган касалликлардан бири бўлиб қолмоқда. «...Республикамизда юрак қон - томир касалликларидан юзага келган ногиронлик ва ўлим ҳолатлари ҳозирги кунда 59 - 60% ни ташкил этади...»<sup>2</sup>. Бу эса СЮЕнинг гемодинамик фенотипларини эрта аниқлаш, муқобил даволаш ва самарали профилактикасини таъминлаш зурурлигини тақозо қилади.

Жаҳонда СЮЕнинг турли гемодинамик фенотиплари юзага келиши ва ривожланиб боришида нейрогормонларнинг сурункали фаоллашиши билан бир қаторда генетик омилларнинг тутган ўрнини баҳолаш ва унда даволашни муқобиллаштиришга қаратилган қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўзбек миллатига мансуб СЮЕ мавжуд беморларда касалликнинг турли гемодинамик фенотиплари шаклланишининг молекуляр - генетик асосларини аниқлаш, хусусан ангиотензинга айлантирувчи фермент (АСЕ) генини I/D, ангиотензиноген (АГТ) генини M235T, ангиотензин (АТ) II АТ<sub>1</sub> рецепторлари (АТ1R1) генини A1166C ва бета<sub>1</sub> - адренорецепторлар (АДРВ1) генининг Gly389Arg полиморфизмларини касалликнинг турли гемодинамик фенотипларида тарқалганлиги, уларни СЮЕ кечиши ва нохуш асоратлари ривожланишидаги ўрнини асослаш, генетик ва нейрогормонал омилларни аниқлаш орқали касалликни эрта даврларда ташхислаш ва муқобил даво усулларини ишлаб чиқиш йўналишидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, СЮЕни нохуш кечиши ва турли асоратларини ривожланишига сабабчи бўлган фиброз жараёнларини камайтириш, беморларнинг клиник ҳолати ҳамда ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш мазкур муаммога оид илмий изланишларнинг долзарб йўналиши бўлиб қолмоқда.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига<sup>3</sup> мувофиқ, мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий - тиббий хизмат кўрсатишни қўлайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом

<sup>1</sup> Мареев В.Ю., Фомин И.В., Агеев Ф. Т. и др. Клинические рекомендации ОССН – РКО -РНМОТ Сердечная недостаточность: хроническая и острая декомпенсированная. Диагностика, профилактика и лечение // Кардиология. – 2018. - Т. 58 (6S). - С.8 - 158.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2019 йил.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 - сонли Фармони, ЎзР. Қонун Ҳужжатлари тўплами, 2017 йил.

турмуш тарзини шакллантириш, замонавий ташхислаш ва даволаш усулларини амалиётга тадбиқ этилишини кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда ўзбек миллатида СЮЕнинг турли гемодинамик фенотиплари юзага келишида номзод генлар полиморфизмларини учраш даражасини аниқлаш, уларни касалликни оғир кечиши ва асоратлари ривожланишини англатувчи ҳавфли комбинацияларини саралаш, касалликнинг турли гемодинамик фенотиплари кечишига салбий таъсир кўрсатувчи фиброз жараёнларини эрта аниқлаш, генетик ва нейрогормонлар фаоллашишини тахлили ҳисобига муқобил даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиши долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора - тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5590-сон Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3071 – сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий - тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** СЮЕнинг гемодинамик фенотиплари ривожланишини клиник – патогенетик ва генетик жиҳатларини башоратлаш дунё мамлакатларининг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан The Medical University of South Carolina, The National Institutes of Health, University of California, University of Texas, University of Arkansas, University of Virginia (Америка қўшма штатлари), Leipzig Heart Institute ва Goethe - University (Германия), Queen Mary University of London (Буюк британия), University of Groningen (Нидерландия), Taipei Medical University (Хитой), И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Россия тиббиёт академияси ва А.И.Евдокимов номидаги Москва давлат тиббиёт - стоматология университети (Россия), Харьков тиббиёт академияси (Украина), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий - амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Ушбу йўналишда самарадорликка эришиш мақсадида СЮЕ мавжуд беморларда юрак - қон томир тизимидаги фиброз жараёнларини қон зардобидидаги галектин (Г) - 3 миқдорини аниқлаш орқали фарқлаш мумкин -

---

<sup>4</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий - тадқиқотлар шарҳи <http://www.sc.edu>, [www.ucsf.edu](http://www.ucsf.edu), <http://www.utexas.edu>, <http://www.uark.edu>, <http://www.virginia.edu>, <https://www.uni-leipzig.de/en/>, <http://www.qmul.ac.uk>, [www.rug.nl](http://www.rug.nl), [www.tmu.edu.tw](http://www.tmu.edu.tw), [www.mma.ru](http://www.mma.ru), [www.tma.uz](http://www.tma.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

лиги асосланган (University of Groningen, Нидерландия; Leipzig Heart Institute, Германия), СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларида Г-3ни фиброз маркери ва даволаш жараёни мониторингида нишон сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган (И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Россия тиббиёт академияси ва А.И.Евдокимов номидаги Москва давлат тиббиёт - стоматология университети, Россия), ACE генини I/D, AGT генини M235T, AT1R1 генини A1166C, ADRB1 генининг Gly389Arg полиморфизмини юрак - қон томир касалликлари, жумладан юрак ишемик касаллиги (ЮИК), артериал гипертензия (АГ) ва кардиомиопатия (КМП) лар юзага келишидаги аҳамияти асосланган (The Medical University of South Carolina, The National Institutes of Health, University of California, University of Texas, University of Arkansas, University of Virginia, Америка қўшма штатлари). Шунингдек, юрак - қон томир тизими касалликлари юзага келиши ва авж олиб боришида муҳим ҳисобланган миокардиал фиброз ва номзод генлар полиморфизмларини учраш даражаси бўйича мамлакатимизда ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилган (Республика ихтисослаш - тирилган кардиология илмий - амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси).

Бугунги кунда дунё мамлакатларида юрак - қон томир касалликларини эрта ташхислаш, самарали даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш мақсадида қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: СЮЕнинг турли гемодинамик фенотиплари юзага келиши ва ривожланиб боришида номзод генлар полиморфизмини аҳамиятини баҳолаш; ўзбек миллатига мансуб беморларда касаллик ривожланишига сабабчи генотипик ва фенотипик ҳавф омиллар гуруҳини асослаш; СЮЕнинг кечиши ва нохуш асоратлари ривожланиш ҳавфини англатувчи нейрогормонлар - биологик маркерларни аниқлаш орқали касалликни клиник белгилари намоён бўлгунга қадар эрта ташхислаш, муқобил даволаш ва самарали профилактикасини таъминлашга эришиш; СЮЕни турли гемодинамик фенотипларини муқобил даволашда самараси исботланган дори воситаларини фармакогенетика ва фармакогеномика асосларига таянган ҳолда индивидуал танлаш; СЮЕни даволашда биологик маркерлардан терапевтик нишон сифатида фойдаланиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қатор мамлакатларда ўтказилган тадқиқотларда СЮЕни эрта ташхислаш ва даволаш бўйича эришилган ютуқларга қарамадан, касалликнинг турли гемодинамик фенотиплари шаклланишини айрим патогенетик механизмлари, хусусан турли биологик маркерлар ҳамда генетик омилларни касаллик юзага келиши ва кечишидаги тутган ўрни, уларни эрта даврларда аниқлаш орқали СЮЕнинг гемодинамик фенотипларини муқобил даволаш ва самарали профилактика усулларини танлашга қаратилган ёндашувлар тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда (Мареев В.Ю., 2018; Фомин И.В., 2016, Гадаев А.Г., 2019). Бугунги кунда СЮЕнинг чап қоринча қон отиш фракцияси (ЧҚҚОФ) паст, оралик ва сақланган гемодинамик фенотипларини клиник - патогенетик механизмлари, патофизиологияси, уларда юрак

ремоделланишини бир биридан фарқланишини ўрганишга бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бу адабиётларда кенг ёритилмоқда (Chionel O., 2017; Metra M., 2017; Pascual - Figal D.A., 2017; Драпкина О.М., 2020; Аляви А.Л., 2017; Абдуллаев Т.А., 2019). Сўнгги йилларда ўтказилган кўплаб тадқиқотлар йўналиши юрак - қон томир касалликлари, жумладан ЮИК, АГ ва КМПда симпатoadренал (СА) ва ренин - ангиотензин - альдостерон (РАА) тизимини кодловчи генлар полиморфизминини тарқалганлиги, уларни ушбу касалликлар юзага келиши ва кечишидаги аҳамиятига бағишланган бўлиб, бироқ СЮЕнинг турли гемодинамик фенотиплари шаклланишида номзод генлар полиморфизмларинини ўзбек миллатига мансуб СЮЕ мавжуд беморларда тарқалганлиги, касалликни гемодинамик фенотиплари юзага келишидаги тутган ўрни тўлақонли ўрганилмаган (Гадаев А.Г., 2019; Д.Р.Курбанова, 2010).

Шунингдек, ўтказилган тадқиқотларда организмда коллаген алмашинувида бевосита иштирок этувчи биологик маркерлар, хусусан галектин (Г)-3ни СЮЕ мавжуд беморларда турли фаолликда учраши, уни аниқлаш орқали фиброз жараёнлари фаоллигига баҳо бериш, танланган фармакологик давони мувофиқлаштириш мумкинлиги кўрсатилган, лекин уни касалликнинг турли гемодинамик фенотипларинини фарқлашдаги аҳамияти ёритилмаган (Березин А.Е., 2015; Вататун Н.Т., 2017; Гадаев А.Г., 2018; Драпкина О. М., 2018).

Замонавий тавсияларга кўра, СЮЕни даволашда касалликнинг кечиши ва оқибатига ижобий таъсир қилувчи ААФИ ёки ангиотензин рецепторлари антагонисти (АРА), бета - адреноблокатор ( $\beta$ -АБ) ва минералокортикоид рецепторлари антагонисти (МКРА) дан кенг кўламда фойдаланилмоқда (Мареев В.Ю., 2018; Фомин И.В., 2016). Касалликни даволашга бағишланган жуда кўплаб тадқиқотларда ЧҚҚОФ паст СЮЕ мавжуд беморлар иштирок этган бўлиб, уни даволаш бўйича аниқ ва исботланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган (McMurray J.J., 2015). Бироқ, клиник амалиётда касалликнинг сақланган ва оралик гемодинамик фенотипларинини кўп учраётганлиги уларни даволаш жараёнинини муқобиллаштириш лозимлигинини кўрсатади. Касаллик оқибатида аҳоли орасида эрта ногиронлик ва ўлим ҳолати юзага келиши эҳтимоли юқорилиги ушбу соҳада илмий изланишлар олиб борилиши долзарблигинини билдиради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ички касалликлар ташхисоти, профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усулларинини ишлаб чиқиш» (2016 - 2019 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** СЮЕнинг гемодинамик фенотиплари юзага келиши ва ривожланиб боришида ген полиморфизмининг ўрни, касалликнинг айрим клиник - патогенетик механизмларинини баҳолаш орқали уни эрта аниқлаш ва асоратларинини олдини олиш ҳамда даволашни муқобиллаштиришдан иборат.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбек миллатига мансуб беморларда СЮЕнинг турли гемодинамик фенотиплари юзага келиши ва кечишида нейрогуморал тизим генлари - ACE генини I/D, AGT генини M235T, AT1R1 генини A1166C, ADRB1 генини Gly389Arg полиморфизмларини учраш даражасини баҳолаш;

номзод ген полиморфизмларини СЮЕнинг фенотиплари (ЧҚҚОФ паст, оралик, сақланган) нинг кечиши ва оғирлик даражаси билан ҳамжиҳатлигини тахлил қилиш ҳамда уларни нохуш асоратлар ривожланиш ҳавфини англлатувчи ҳавфли комбинацияларини аниқлаш;

ўрганилаётган ген полиморфизмларини юракдаги тўзилмавий ўзгаришлар, гемодинамик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

СЮЕнинг гемодинамик фенотипларида альдостерон ва Г-3 миқдорларини аниқлаш ҳамда уларни касаллик кечиши, нохуш асоратлар ҳавфини белгилаш ва даволаш самарадорлигини баҳолашдаги башоратлаш аҳамиятини асослаш;

СЮЕнинг гемодинамик фенотипларида альдостерон, Г-3ни юракдаги тўзилмавий ўзгаришлар ва марказий гемодинамика кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

СЮЕни узоқ муддатли даволашда стандарт дори воситалари, хусусан ААФИ, АРА ва β-АБ ни ўрганилаётган ген полиморфизмларига боғлиқ ҳолда фармакогенетик таъсир самарасини баҳолаш;

ўтказилган молекуляр - генетик тадқиқот натижаларига таяниб, СЮЕнинг фенотипларини эрта ташхислаш, нохуш асоратлари ҳавфини белгилаш ва даволашни муқобиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017 - 2019 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг 3 - клиникаси кардиология ва кардиореанимация бўлимларида даволанган 210 нафар ЮИК ва АГ негизда ривожланган СЮЕ мавжуд беморлар ва 40 нафар соғлом кўнгилли шахслар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни веноз қондаги – фиброз маркерлари – альдостерон, Г-3, РАА тизими ген полиморфизмлари - ACE генини I/D, AGT генини M235T, AT1R1 генини A1166C, ADRB1 генини Gly389Arg полиморфизмларини аллел ва генотиплари, ЭхоКГ, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи, 6-дақиқалик юриш синамаси ва ҳаёт сифатини аниқлаш бўйича сўровнома ташкил этди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида клиник, биокимёвий, иммунофермент, асбобий, генетик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат.

илк бора ўзбек миллатига мансуб беморларда молекуляр - генетик тахлил асосида СЮЕнинг гемодинамик фенотиплари юзага келиши, кечиши ҳамда юракни патологик ремоделланиши ва марказий гемодинамика кўрсаткичларини бузилиши билан ҳамоҳанг генетик маркерлар ва уларнинг ҳавфли гуруҳлари аниқланган;

илк бора ўзбек миллатига мансуб СЮЕ мавжуд беморларда касалликни кечиши, нохуш асоратлари ривожланиши ва даволаш жараёни

самрадорлигини баҳолашда ACE, AGT, ATIIR1 ва ADRB1 генларини алоҳида ва ўзаро таъсири хусусиятлари очиб берилган;

галектин-3ни СЮЕнинг ЧҚҚОФ оралик ва сақланган гемодинамик фенотипларида яққол ошиши ва уни касалликнинг оғирлик даражаси билан ҳамоҳанглиги аниқланиб, касалликни кечиши ва ноҳуш асоратлари ривожланиши ҳамда даволаш самарадорлигини баҳолашдаги башоратлаш аҳамияти асосланган;

СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларини даволашда азилсартан медоксомил ва эплеренонни биргаликда қўлланилиши натижасида фиброз жараёнлари фаоллигини пасайиши ҳисобига юрак ремоделланиши кўрсаткичларини ишонарли регрессияси, беморларнинг клиник ҳолати ва ҳаёт сифатини яхшиланиши ва жисмоний юкламаларга чидамлилигини ошиши исботланган;

иммунофермент ва молекуляр – генетик таҳлил хулосаларига таяниб, СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларини эрта ташхислаш бўйича диагностик алгоритм ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

СЮЕнинг гемодинамик фенотипларининг кечиши, ноҳуш оқибатлари юзага келишини олдини олиш, муқобиллаштирилган патогенетик даво буюрилишини таъминлаш мақсадида СА ва РАА тизимларини кодловчи генлар полиморфизмининг таҳлил қилиш муҳим ўрин тутиши исботланган;

СЮЕнинг гемодинамик фенотипларида қон зардобидаги альдостерон ва Г-3ни миқдорий кўрсаткичларига қараб касалликни кечиши, ноҳуш асоратлари ривожланиш ҳавфи ва даво самарасига баҳо бериш мумкинлиги асосланган;

СЮЕ мавжуд беморларда номзод генлар полиморфизмларини учраши ва Г-3 миқдорий кўрсаткичларига қараб, патогенетик даво сифатида ААФИ, АРА, β-АБ ва МКРАни биргаликда муқобил миқдорларда қўлланилиши натижасида гемодинамик кўрсаткичлар яхшиланиши, ЧҚнинг патологик ремоделланиши регрессияси, трансмитрал қон оқими (ТМҚО) кўрсаткичларининг ижобий ўзгариши, беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифатини яхшиланиши ва жисмоний юкламаларга чидамлилигини ошиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, биокимёвий, иммунофермент, асбобий, генетик ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, СЮЕни турли гемодинамик фенотиплари ривожланишининг клиник - патогенетик ва генетик жиҳатларини таҳлил қилиш, касалликни ташхислаш ва даволашни муқобиллаштиришга қаратилган тадбирларни изоҳлашда ҳорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СЮЕнинг ЧҚҚОФ паст, оралик ва сақланган гемодинамик фенотипларида ААФ генини I/D, АГТ генини М235Т, АТІІR1 генини А1166С, АDRB1 генини Arg389Gly полиморфизмлари полимераз занжирли реакция орқали, иммунофермент тахлил усулида альдостерон, Г-3 миқдори аниқланиши касалликни кечишини башоратлаш, нохуш асоратлари ҳавфини белгилаш ва буюрилган патогенетик дори воситларини самарасини баҳолаш имконияти яратилиши билан изоҳланади.

СЮЕнинг ҳар учала гемодинамик фенотипларини даволашда ААФИ, АРА, β-АБ ва МКРА ни қўлланилиши ижобий гемодинамик ва нейрогуморал самара бериши, касаллик авж олиб боришини секинлаштириши, ген полиморфизмларини комбинацияси ва учраш сонига қараб, СЮЕнинг гемодинамик фенотипларида юрак ремоделлашиши кўрсаткичларини пасайиши ва ҳаёт сифатини яхшиланиши яққол намоён бўлди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида шаклланган амалий тавсиялардан СЮЕни турли гемодинамик фенотипларини ташхислашни такомиллаштириш, касаллик кечишини баҳолаш ва нохуш асоратларни олдини олиш ҳамда даволашни муқобиллаштириш ва тегишли йўналишлар бўйича таълим, шунингдек илмий фаолиятда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларида ген полиморфизмларининг генотип ва аллелларини учраши ҳамда ҳавфли комбинацияси, Г-3 миқдорий кўрсаткичларига қараб, беморларда ААФИ, АРА, β-АБ ва МКРАни муқобил миқдорларда қўлланилиши натижасида юрак ремоделланиши кўрсаткичларини ижобий динамикаси ва беморлар клиник ҳолатини баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот хулосалари асосида:

“Сурункали юрак етишмовчилиги ва миокардиал фиброз” мавзусида монография тасдиқланди. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 октябрдаги 8н-з/130 сонли хулосаси). Мазкур монографияда СЮЕ нинг турли гемодинамик фенотипларида фиброз жараёнларининг ўрни, уни эрта ташхислаш ва муқобил даволаш усуллари ёритилган. Монографиядаги услуб ва тавсияларни амалиётда қўлланилиши СЮЕнинг нохуш асоратлари профилактикаси ва даво муолажаларини муқобиллаштириш имкониятини яратади;

“Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик фенотиплари кечишида фиброз жараёнларини ўрни ва уни даволаш самарадорлигини баҳолаш” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 октябрдаги 8н-з/130 сонли хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларида Г-3 миқдорий кўрсаткичларини касаллик оғирлик даражасига қараб ўзгариб бориши, уни СЮЕ мавжуд беморларда аниқланиши касаллик фенотипларини дифференциал ташхислаш, уларни кечиши ҳамда даволаш жараёнини мониторинг қилиш имкониятини беради.

СЮЕнинг гемодинамик фенотипларида генлар полиморфизмларининг генотип ва аллеларини учраши ҳамда Г-3 миқдорий кўрсаткичларига қараб, ААФИ, АРА, β-АБ ва МКРАни қўлланилиши натижасида касалликнинг фенотиплари давосини муқобиллаштириш, беморлар умрини узайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижаларни соғлиқни сақлаш амалиёти, жумладан Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) кўп тармоқли клиникасининг кардиология ва кардиореанимация бўлими, 2 - Республика клиник шифохонасида соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 октябрдаги 8н-з/130 сонли хулосаси). Шу нуқтаи назардан, олинган натижалар ТТАнинг 3 - сон ички касалликлар кафедрасида магистр, клиник ординатор ва талабаларга семинар машғулотлар ўтказилишида фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий - амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 253 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари республика фан ва технологиянинг ривожланишининг устувор йўналишига мос келиши тавсифланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи келтирилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилигини юзага келиши ва кечишига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлили келтирилган. Бунда СЮЕнинг турли гемодинамик фенотипларини ривожланиши ва авж олиб боришининг энг муҳим клиник - патогенетик ва генетик бўғинлари, жумладан касаллик ривожланишида нейрогормонларнинг сурункали фаоллашиши, уларда фиброз жараёнларининг фаоллиги турлича бўлиши, СЮЕ шаклланиши ва кечишига таъсир қилувчи генларнинг тутган ўрни, хусусан ўзбек миллатига мансуб беморларда касаллик ривожланиш учун жавобгар номзод генларни аниқлаш ва молекуляр - генетик механизмлар таҳлили ёритилган, изчил ўрганишни

талаб қилувчи саволлар жамланмаси аниқланган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини ишлаб чиқиш муҳимлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилигининг турли гемодинамик фенотиплари ривожланишини клиник - патогенетик ва генетик жиҳатларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предметлар ва тадқиқот усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқотга 210 нафар СЮЕ ташхиси қўйилган, ўзбек миллатига мансуб беморлар ва 40 нафар соғлом кўнгилли шахслар жалб қилинди. СЮЕ ташхиси беморларнинг шикоятлари, анамнези, объектив кўрик ва лаборатор - асбобий текширишлар натижаларига кўра Европа кардиологлар жамияти томонидан 2016 йилда қабул қилинган «Ўткир ва сурункали юрак етишмовчилигини ташхислаш ва даволаш бўйича тавсиялар» асосида қўйилди. Унинг функционал синфлари (ФС) Нью - Йорк кардиологлар ассоциацияси (New - York Heart Association, 1964) таснифи ҳамда 6 дақиқалик юриш синамаси натижаси асосида аниқланди. Беморлар клиник - гемодинамик ҳолати ва ЭхоКГ кўрсаткичларига кўра, 3 гуруҳга ажратилиб, биринчи гуруҳни 59 нафар (32 - СЮЕ II ФС, ўртача  $62,3 \pm 1,2$  ёш, 15 эркак ва 17 аёл; 27 - СЮЕ III ФС, ўртача  $67,4 \pm 2,5$  ёш, 15 эркак ва 12 аёл) ЧҚҚОФ (<40%) паст СЮЕ, иккинчи гуруҳни 56 нафар (28 - СЮЕ II ФС, ўртача  $65,5 \pm 1,7$  ёш, 21 эркак ва 7 аёл; 28 - СЮЕ III ФС, ўртача  $61,4 \pm 1,7$  ёш, 23 эркак ва 5 аёл) ЧҚҚОФ (41-49%) оралик СЮЕ, учинчи гуруҳни 95 нафар (41 - СЮЕ II ФС, ўртача  $64,7 \pm 1,3$  ёш, 20 эркак ва 21 аёл; 54 - СЮЕ III ФС, ўртача  $64,6 \pm 0,9$  ёш, 20 эркак ва 34 аёл) ЧҚҚОФ (>50%) сақланган СЮЕ мавжуд беморлар ташкил этди. Тадқиқотга жалб этилган барча беморларда СЮЕ ривожланишига ЮИК ва АГ сабаб бўлган. 1- , 2- ва 3 - гуруҳдаги беморларда мос равишда 6 ой олдин МИ ўтказганлар 38,9; 82,1 ва 33,7, аорта коронар шунтлаш ёки стентлаш амалиёти ўтказганлар 11,9; 16,9 ва 7,4, ритм бузилиши ва қамаллар қайд этилганлар 28,8; 25,0 ва 18,9, юрак аневризмаси 1,7; 19,6 ва 2,1% ни ташкил этиб, уларда мос равишда коморбид хасталиклар, хусусан II типли қандли диабет 30,5; 39,3 ва 24,2, семизлик 37,3; 42,9 ва 15,8, камқонлик 13,6; 21,4 ва 15,8 % беморларда аниқланди.

Дастлаб барча беморларда қон зардобидидаги альдостерон ва Г-3 миқдорий кўрсаткичлари, ACE генини I/D, AGT генини M235T, AT1R1 генини A1166C, ADRB1 генини Gly389Arg полиморфизмларини учраш сони полимераз занжирли реакция (ПЗР) орқали аниқланди. Беморларнинг барчасида даволашдан олдин ва 6 ой кейин қон зардобидидаги альдостерон ва Г-3 миқдорий кўрсаткичлари, ЭКГ, ЭхоКГ текширишлари ўтказилиб, уларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилиги баҳоланди. ЭхоКГ трансоракал услубда PHILIPS Affiniti 70 ускунаси (Германия), секторли S 5 - 1 Мгц ли ўзатгичда амалга оширилди. Иммунофермент таҳлиллар Республика педиатрия илмий – амалий тиббиёт марказида, генетик таҳлиллар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илғор технологиялар марказининг биотехнология лабораториясида

бажарилди. Беморларга стандарт даво сифатида - ААФИ, АРА (азилсартан медоксомил),  $\beta$ -АБ ва  $\alpha$ -,  $\beta$ -АБ, МКРА вакили эплеренон буюрилди.

Генетик текшириш натижаларини тахлил қилиш мақсадида тадқиқот якунида барча жалб этилган беморлар икки: И - касаллик ижобий кечган беморлар ва Н - касаллик нохуш кечган гуруҳларга ажратилиб, номзод генлар полиморфизми аллел ва генотипларини учраш даражаси, касалликни кечиши ва оғирлик даражаси билан боғлиқ ҳавфли гуруҳлари аниқланди.

Назорат гуруҳидаги беморларда уларнинг шикоятлари, анамнези, клиник ҳолати баҳоланиб, лаборатор - асбобий текширишлар ўтказилди. Текширув хулосаларига кўра, уларни амалий соғлом деб топилгач, фиброз маркерлари - Г-3, альдостерон ҳамда номзод ген полиморфизмларини учраш сонини аниқлаш учун қон (генетик материал) олинди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2010) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ( $M \pm m$ ) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Гуруҳларда сифат белгиларини ўчраш сонини фарқлаш Хи квадрат мезонлари орқали амалга оширилди. Номзод генларни касаллик юзага келишидаги иштирокини баҳолашда 95%ли ишонч интервали орқали имкониятлар нисбати ҳамда нисбий ҳавф аниқланди. Корреляцион тахлил Пирсон корреляцион коэффициентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларнинг клиник - функционал ҳолати билан генетик тахлил натижаларини ўзаро боғлиқлигини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида СЮЕнинг ЧҚҚОФ паст, оралик ва сақланган гемодинамик фенотипларида беморларнинг шикоятлари, касалликнинг клиник белгиларини учраши, юрак ремоделланиши кўрсаткичларини фарқи тахлил қилинди (1 - жадвал).

СЮЕнинг асосий шикоятларидан бири бўлган хансираш тадқиқотга жалб этилган барча беморларда учради. Тахикардия ва юрак уриб кетиши 1 - гуруҳда 2 - гуруҳга нисбатан мос равишда 4 ва 4,8%, 3 - гуруҳга нисбатан мос равишда 47,3% ( $p < 0,001$ ) ва 35,5% ( $p < 0,01$ ) кўп қайд этилди. Тез чарчаш ва шиш синдроми гуруҳларда мос равишда 79,7; 75 ва 37,9% ( $p < 0,01$ ) ҳамда 35,6; 23,2 ва 17,9 % ( $p < 0,05$ ) учраб, ушбу шикоятлар 1- ва 2 - гуруҳдаги беморларда яққол намоён бўлди. ЧҚҚОФ глобал пасайиши ( $< 40\%$ ) аниқланган 1 - гуруҳдаги беморларда йўтал, бўйин веналарини шиши ва ўпканинг пастки бўлақларидаги жарангсиз нам хириллашларни мос равишда 2 - гуруҳга нисбатан 2,4 ( $p < 0,01$ ), 1,8 ва 2,4 ( $p < 0,001$ ), 3 - гуруҳга нисбатан 5,4; 3,8 ва 4,8 баробар ( $p < 0,001$ ) кўп учраши қайд этилди. Кардиомегалия 1 - гуруҳдаги барча беморларда, 2 - гуруҳда 35,7% ( $p < 0,001$ ) ва 3 - гуруҳда 7,4% ( $p < 0,001$ ) ҳолатда учради. Беморларда КХБШ, Миннесот сўровномаси ва 6ДЮС натижалари 1 - гуруҳда мос равишда  $6,8 \pm 0,2$ ,  $54,5 \pm 1,3$  ва  $274,4 \pm 10,1$  ни ташкил этиб, ушбу гуруҳда касалликнинг клиник кўриниши 2 - (мос равишда  $6,7 \pm 0,2$  ( $p < 0,01$ ),

51,7±1,2 ва 280,5±10,4) ва 3 - гуруҳ (мос равишда 6,3±0,2 (p<0,001), 48,2±0,9 (p<0,001) ва 289,7±8,1) даги беморларга нисбатан оғирроқ эканлиги маълум бўлди.

1 – жадвал

Сурункали юрак етишмовчилигининг гемодинамик фенотипларини  
клиник кўринишлари

Кўрсаткичлар	1 – гуруҳ, ЧҚҚОФ <40%, n=59	2 – гуруҳ, ЧҚҚОФ, 41-49%, n=56	3 – гуруҳ, ЧҚҚОФ >50%, n=95
Хансираш, n (%)	59 (100)	56 (100)	95 (100)
Тахикардия, n (%)	54 (91,5)	49 (87,5)	42 (44,2)###
Юрак уриб кетиши, n (%)	44 (74,4)	39 (69,6)	37 (38,9)##
Тез чарчаш, n (%)	47 (79,7)	42 (75)	36 (37,9)##
Шиш, сони, n (%)	21 (35,6)	13 (23,2)*	17 (17,9)#
Йўтал, n (%)	23 (38,9)	9 (16,1)**	7 (7,4)###
Буйин веналари шиши, n (%)	19 (32,2)	10 (17,8)**	8 (8,4)###
Ўпкада нам хириллаш, n (%)	24 (40,1)	10 (17,8)***	8 (8,4)###
Кардиомегалия (>50%), n (%)	59 (100)	20 (35,7)***	7 (7,4)###
Жигар катталашини, n (%)	25 (42,4)	21 (37,5)	34 (35,8)
КХБШ, балл	6,8±0,2	6,7±0,2**	6,3±0,2###
Ҳаёт сифати кўрсаткичи, балл	54,5±1,3	51,7±1,2	48,2±0,9###
6ДЮС, метр	274,4±10,1	280,5±10,4	289,7±8,1

**Изоҳ:** 1 – ва 2 - гуруҳларда кўрсаткичлар фарқи ишончилиги: \* - p < 0,05; \*\* - p < 0,01; \*\*\* - p < 0,001; 1 – ва 3 - гуруҳларда кўрсаткичлар фарқи ишончилиги: # - p < 0,05; ## - p < 0,01; ### - p < 0,001; n – сон, КТИ - кардиоторакал индекс, КХБШ - клиник холатни баҳолаш шкаласи, 6ДЮС - 6 дақиқалик юриш синамаси.

Кузатувдаги ҳар учала гуруҳдаги беморларда юракнинг ремоделланиши кўрсаткичлари бир - биридан ишонarli фарқланди (2 - жадвал). 1 - гуруҳ беморларининг барчасида чап қоринча (ЧҚ) нинг эксцентрик гипертрофияси (ЭГ) қайд этилиб, ушбу гуруҳда ЧҚҚОФ 2 - гуруҳга нисбатан 9,4% (p<0,001), 3 - гуруҳга нисбатан 23,5% (p<0,001)га камлиги маълум бўлди. 2- ва 3- гуруҳда мос равишда ЧҚнинг ЭГ 20 ва 38, концентрик гипертрофия 34 ва 54 хамда концентрик ремоделланиш 2 ва 3 нафар беморларда аниқланди. Гуруҳларда миокарднинг патологик ремоделланиши кўрсаткичларини меъерий кўрсаткичлардан статистик ишонarli даражада оғиши, жумладан 1 - гуруҳда СДЎ ва СДХ мос равишда 13,5 ва 44,5%, 2 - гуруҳда 10,5 ва 25,2% га ошганлиги қайд этилди. СЮЕнинг нохуш асоратлари ривожланиши хавфидан дарак берувчи ЧҚМВИни 1- гуруҳдаги беморларда 2- ва 3- гуруҳдаги беморларга нисбатан мос равишда 1,2 ва 1,4 баробар (p<0,001) ошганлиги қайд этилиб, унда миокарднинг оғир патологик ремоделланиши ривожланганлиги маълум бўлди. 3-гуруҳдаги беморларда СДЎ, СДХ ва ССХ меъерида бўлсада, ҚАТҚ ва ЧҚОДҚ меъерий кўрсаткичлардан 1,2, ЧҚМВИ эса 1,6 баробарга ишонarli ошганлиги қайд этилди (p<0,001). ЧҚМВИ 1-гуруҳдаги беморларда 2-, 3-гуруҳларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлишига қарамасдан, унда ЧҚДНҚ 0,34, 2 – гуруҳдаги беморларда ушбу

кўрсаткич 0,42 ва учинчи гуруҳда эса 0,44 ни ташкил этди. Бу эса 1-гуруҳдаги беморларда ЧҚнинг ЭГ, 2 - ва 3 - гуруҳдаги беморларда миокардни қалинлашиши ҳисобига ЧҚнинг концентрик гипертрофияси ва ремоделланиши, фиброз жараёнлари яққол ривожланганлигини англатади. Гуруҳларда СЮЕнинг патогенезида муҳим ўрин тутган ЧҚ ДД даражаси ўрганилганда, ДД нинг рестриктив типи 1 - гуруҳдаги беморларнинг барчаси, 2 - гуруҳда 16,1 ва 3 – гуруҳда 7,4%, псевдомеъерий тип 2 - гуруҳда 23,2, 3 - гуруҳда 17,9%, ЧҚ релаксациясини бузилиши 2 - гуруҳда 60,7, 3 – гуруҳда 74,7% беморларда учради.

## 2 - жадвал

### Сурункали юрак етишмовчилигининг гемодинамик фенотипларида юрак ремоделланиши кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1 - гуруҳ, ЧҚҚОФ паст (<40%), n=59	2 - гуруҳ, ЧҚҚОФ оралиқ (41 – 49%), n=56	3 - гуруҳ, ЧҚҚОФ сақланган (>50%), n=95
СДЎ, см	6,7±0,07	6,2±0,1***	5,2±0,03###
СДХ, мл	224,4±5,4	194,2±8,7**	130,1±1,8###
ССЎ, см	5,5±0,07	4,7±0,1***	3,4±0,03###
ССХ, мл	143,3±4,1	104,8±5,5***	50,8±1,0###
ЧҚҚОФ, %	36,7±0,3	46,1±0,3***	60,2±0,4###
Е/А, бирлик	2,03±0,06	1,08±0,1***	0,93±0,06###
ҚАТҚ, мм	10,3±0,1	10,6±0,2	11,3±0,2###
ЧҚОДҚ, мм	11,2±0,2	12,1±0,2**	12,4±0,2###
ЧҚМВИ, г/м <sup>2</sup>	258,9±6,3	223,4±6,7***	188,2±3,9###
ЧҚДНҚ, бирлик	0,34±0,006	0,42±0,01***	0,44±0,005###

**Изоҳ:** - 1 – ва 2 – гуруҳлар кўрсаткичлари фарқи ишончилиги: \* - p<0,05; \*\* - p<0,01; \*\*\* - p<0,001; 1 – ва 3 – гуруҳлар кўрсаткичлари фарқи ишончилиги: # - p<0,05; ## - p<0,01; ### - p<0,001; СДЎ – сўнгги диастолик ўлчам; СДХ – сўнгги диастолик ҳажм; ССЎ – сўнгги систолик ўлчам; ССХ – сўнгги систолик ҳажм; ЧҚҚОФ – чап қоринча қон отиш фракцияси; Е/А – эрта ва кечки диастолик тўлиш нисбати; ҚАТҚ – қоринчалараро тўсик қалинлиги; ЧҚОДҚ – чап қоринча орқа девори қалинлиги; ЧҚМВИ – чап қоринча миокарди вазни индекси; ЧҚДНҚ – чап қоринча девори нисбий қалинлиги

Олти ой давомида проспектив кузатувда бўлган беморлар икки: И – касаллик ижобий кечган беморлар ва Н – касаллик нохуш кечган беморлар гуруҳига ажратилди. Беморларда қуйидаги мезонлар аниқланилганда, касаллик ижобий кечган, - деб ҳисобланилди:

кузатувдаги СЮЕнинг стандарт давосини қабул қилган беморларда касаллик клиник белгиларини авж олиши кузатилмаган ёки илгари мавжуд бўлган шикоятларини камайганлиги, касалликнинг NYHA бўйича ФС ўзгармаган / ёки камайганлиги, гемодинамик кўрсаткичларини турғунлиги, лаборатор - асбобий текшириш натижаларида салбий ўзгаришлар йўқ ёки ижобий ўзгарганлиги, шифохонага ётиш сони йилига 1 маротабадан ошмаган / ёки умуман стационар давога ётиш муҳтожлиги бўлмаган ҳолатлар;



касалликни ноҳуш кечишида: кузатув давомида буюрилган стандарт даво қабул қилинишига қарамасдан беморларнинг клиник ҳолати оғирлашуви, касалликнинг НУНА бўйича ФС ошганлиги, шифохонага қайта ётиш сонини йилига 1 ва ундан ортиқ бўлганлиги, лаборатор – асбобий текширувларда патологик оғишлар кучайганлиги, кузатув давомида турли фатал ва нофатал асоратлар ривожланган ҳолатлар аниқланди.

Кузатувдаги Н гуруҳни 69 нафар, жумладан 24 нафар (34,7%) 1 – гуруҳ, 19 нафар (27,5%) 2 – гуруҳ, 26 нафар (37,8%) 3 – гуруҳдаги беморлар, И гуруҳни 141 нафар: 1 - гуруҳдан 35 (24,8%), 2 – гуруҳдан 37 (26,2%) ва 3 – гуруҳдан 69 (49,0%) нафар беморлар ташкил этди.


И ва Н гуруҳдаги беморларнинг клиник - функционал ҳолати динамикаси таҳлил қилинганда, СЮЕ мавжуд беморларда энг кўп учрайдиган шикоятлардан бири бўлган хансираш даво негизида И гуруҳдаги беморларда Н гуруҳга нисбатан 1,8 ( $p<0,05$ ), тахикардия 10 ( $p<0,01$ ), тез чарчаш 18 ( $p<0,05$ ) баробарга ишонарли қамайган. И гуруҳда юрак уриб кетиши 51,8 дан 26,3% га қамайган бўлса, аксинча, Н гуруҳда ушбу шикоят 68,1 дан 69,6 % га ошган. СЮЕнинг патогенезида муҳим ҳисобланган РАА ва иммун яллиғланиш тизимининг сурункали фаоллашиши ҳисобига организмда ортиқча суюқликнинг ушланиб қолиши И гуруҳда 35,6 дан 23,2% га қамайган бўлса, даво негизида Н гуруҳда 49,3 ўрнига 52,2% беморларда шиш қайд этилди. Динамикада И гуруҳда йўтал (7,1 дан 2,1%га), бўйин веналари шиши (7,8 дан 2,1% га), ўпкада нам хириллаш (9,9 дан 6,4% га) каби шикоятлар қамайган бўлса, Н гуруҳда худди шундай шикоятлар, жумладан йўтал (42,1 дан 43,5% га), ўпкада нам хириллаш (40,6 дан 43,5%га) кўпроқ беморларда қайд этилган, бўйин венларини шиши динамикада ўзгармаган. Юқоридагиларга монанд 6 ой патогенетик даво негизида И гуруҳдаги беморларда КХБШ ( $6,7\pm 0,2$  дан  $5,7\pm 0,2$ ,  $p<0,01$ ), ҳаёт сифати кўрсаткичи ( $49,7\pm 0,9$  дан  $38,3\pm 1,0$ ,  $p<0,01$ ) ва 6ДЮС ( $289,0\pm 11,4$  дан  $319,3\pm 9,2$ ,  $p<0,05$ ) натижалари ижобий томонга ўзгарган бўлса, Н гуруҳда ушбу кўрсаткичлар салбий томонга силжиган.

Тадқиқотга жалб этилган беморларнинг И гуруҳида даво негизида марказий гемодинамика кўрсаткичларида ҳам ижобий силжишлар кузатилди. Ушбу гуруҳда СДХ  $174,4 \pm 3,6$  дан  $161,4 \pm 3,3$  мл,  $p<0,01$ , ССХ  $92,7 \pm 2,9$  дан  $82,6 \pm 2,5$  мл,  $p<0,01$  га ишонарли қамайди, Н гуруҳда аксинча СДХ  $182,5\pm 3,9$  дан  $191,6\pm 3,7$  мл,  $p<0,05$ , ССХ  $97,9\pm 2,2$  дан  $102,2\pm 2,9$  мл га ошди. ҚАТҚ динамикада И гуруҳдаги беморларда 0,3 мм га ишонарли қамайган бўлса, Н гуруҳда миокарднинг ушбу соҳаси худди шунча миқдорга қалинлашган. Миокарднинг инотроп хусусияти ҳам И гуруҳда ижобий (ЧҚҚОФ  $49,2\pm 0,9$  дан  $52,3\pm 1,0\%$ ,  $p<0,01$ га ошган) ўзгариб, ЧҚМВИ  $222,7\pm 4,5$  дан  $220,4\pm 4,6$  г/м<sup>2</sup> га қамайган. Н гуруҳда даво негизида ЧҚҚОФ  $48,9\pm 1,0$  дан  $45,7\pm 0,9\%$ ,  $p<0,01$  га қамайиб, ЧҚМВИ  $226,6\pm 5,8$  дан  $228,8\pm 6,1$ г/м<sup>2</sup> га ошган. Ушбу ўзгаришларга монанд ЧҚ ДД И гуруҳда  $1,19\pm 0,06$  дан  $1,11\pm 0,05$  га қамайган бўлса, Н гуруҳда  $1,24\pm 0,09$  дан  $1,32\pm 0,08$  га ошган.

Даво негизида кузатувдаги беморларнинг шикоятлари, клиник – функционал ҳолати ҳамда марказий гемодинамика кўрсаткичлари

динамикасини бир бирдан фарқ қилиши, II гуруҳдаги беморларда ушбу кўрсаткичларни ижобий ўзгарганлиги, III гуруҳда эса патогенетик даволашга қарамасдан уларни салбий томонга силжиши СЮЕ мавжуд беморларни даволашда персонифицирланган ёндашиш лозимлиги, нейрогормонал омилларни касаллик кечишига таъсирини чуқурроқ тушуниш мақсадида СЮЕнинг патогенетик механизмларини молекуляр – генетик даражада ўрганиш устиворлигини белгилайди.

Кузатувдаги СЮЕ мавжуд беморларда назорат гуруҳига нисбатан ACE генининг I/D полиморфизмини II, ID ва DD генотиплари учраш сони мос равишда 21,9га қарши 42,5, 27,6га қарши 40,0 ва 50,5га қарши 17,5%ни ташкил қилди. СЮЕ мавжуд беморларда I аллел 35,7, D аллел 64,3% ҳолатларда учраган бўлса, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткичлар тескари нисбатда, яъни I аллел 62,5, D аллели 37,5 % ҳолларда аниқланди (1 - расм). D аллел [ $\chi^2=20,1$ ; нисбий имконият (OR) – 3,0; 95%ли ишонч оралиғи (C.I.) - 1,829 - 4,920;  $P<0,001$ ] ва DD генотип [ $\chi^2=16,1$ ; OR - 4,8; C.I. - 2,035-11,347;  $P<0,001$ ] кузатувдаги беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда мос равишда 1,7 ва 2,9 баробар кўп учраб, улар иштирокида касалликнинг ривожланиш эҳтимоли ишончли даражада юқорилиги маълум бўлди. I аллел [ $\chi^2=19,6$ ; OR– 0,3; C.I.- 0, 203 - 0,547;  $P<0,001$ ] ва II генотип [ $\chi^2=7,6$ ; OR– 0,4; C.I.- 0,187 - 0,770;  $P=0,006$ ] СЮЕ мавжуд беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда мос равишда 1,8 ва 1,9 баробар кам учраб, уларни касаллик юзага келишида ишончли даражада протектив самарага эгалиги маълум бўлди. ID генотипни учраш даражаси касалликни юзага келиши ва кечишида оралиқ ҳолатни эгаллаб, уни СЮЕ ривожланиш ҳавфи билан ишончли боғлиқлиги аниқланмади [ $\chi^2=2,4$ ; OR– 0,6; C.I.- 0,284 – 1,154;  $P=0,125$ ].



**1 – расм. ACE генини I/D полиморф маркерининг аллел ва генотипларининг СЮЕ мавжуд беморлар ва назорат гуруҳида учраш даражаси**


АСЕ гени I/D полиморфизмини I аллели ва II генотипини СЮЕнинг ЧҚҚОФ паст, оралиқ ва сақланган гемодинамик фенотипида тарқалганлик даражаси қиёсланганда, 1 - гуруҳда I аллели ва II генотипи мос равишда 2 - гуруҳга нисбатан 2,6% ( $p<0,05$ ) ва 2,8 % ( $p<0,05$ ), 3 – гуруҳга нисбатан 6,2 ва 5,6% ( $p<0,01$ ) кам учради. D аллел ва DD генотип мос равишда 1- гуруҳда 2 - гуруҳга қараганда 2,6 ва 2,4% ( $p<0,05$ ), 3 - гуруҳга нисбатан 6,2 ва 6,8 % ( $p<0,01$ ) га ишонарли тарзда кўп учради.

Беморларда I аллел ва II генотип касалликнинг энгил ФСда кўпроқ учраши, D аллел ва DD генотип касалликни оғир ФС юзага келиши билан ҳамоҳанглиги аниқланди ( $p<0,01$ ). D аллел ва D/D генотип тадқиқотга жалб этилган беморлар орасида эркакларда аёлларга нисбатан мос равишда 9,8 ва 15,3% кўп учраши ( $p<0,01$ ), I аллел ва II генотип аёлларда эркакларга нисбатан мос равишда 9,8 ва 4,2% кўп учраши маълум бўлди ( $p<0,05$ ). DD генотипини ташувчи СЮЕ мавжуд беморларда I/D ва II генотипини ташувчи беморларга нисбатан СДЎ ва ССЎ мос равишда 5 ( $p<0,05$ ) ва 8,8 ( $p<0,001$ ) ҳамда 4,6 ва 7,1% ( $p<0,05$ )га юқорилиги, ЧҚҚОФ, ҚАТҚ мос равишда 3,8 ( $p<0,05$ ); 4,6 ( $p<0,01$ ) ва 4,7 ( $p<0,05$ ); 3,6 % га ҳамда ЧҚДНҚ хар иккала гуруҳдагиларга қараганда 7,6% ( $p<0,05$ ) га камлиги маълум бўлди. ЧҚМВИ DD генотипини ташувчи беморларда ID ва II генотипини ташувчи беморларга нисбатан мос равишда 1,3 ва 4,0% га юқорилиги, ушбу гуруҳдаги беморларда ЧҚнинг ЭГ ID ва II генотипларини сақловчи беморларга нисбатан 3,3 ва 6,1% га кўп учради. Шунингдек, DD генотипни юрак – қон томир тизимида ўткир фатал ва нофатал асоратлар ривожланиши ҳавфи билан ҳамоҳанглиги маълум бўлди [ $\chi^2=7,7$ ; OR-2,2; С.І.-1,249-3,766;  $p=0,006$ ].

Демак, I аллел ва II генотип СЮЕнинг энгил ФС ва аёлларда кўпроқ учраб, касаллик юзага келиши ва кечишида протектив самарага эгалиги, D аллел ва DD генотип касалликнинг оғир ФС ҳамда эркакларда кўпроқ учраши, уларни касалликнинг паст ва оралиқ гемодинамик фенотипларида сақланган фенотипига нисбатан кўп тарқалганлиги, ушбу беморларда II ва ID генотипини ташувчиларга нисбатан юрак ремоделланишининг чуқур патологик оғишлари юзага келиши ва касалликни нохуш ҳамда оғир кечиши маълум бўлди. Тадқиқотга жалб этилган СЮЕ мавжуд беморларда AGT гени M235T полиморфизмининг MM, MT ва TT генотиплари назорат гуруҳидагиларга нисбатан мос равишда 50,0 га қарши 14,3, 35,0 га қарши 53,3 ва 15,0 га қарши 32,4 % ҳолатларда учради (2 - расм).

TT генотип [ $\chi^2=5,4$ ; OR - 2,7; С.І. - 1,087 - 6,774;  $p=0,02$ ] ва T аллел [ $\chi^2=19,1$ ; OR - 3,0; С.І. - 1,804 - 4,970;  $p<0,001$ ] кузатувдаги беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан мос равишда 2,2 ва 1,8 баробар кўп учраб, улар иштирокида касалликни ривожланиш ҳавфи 5,4 ва 3,0 баробар юқорилиги аниқланди. MM генотипи [ $\chi^2=22,5$ ; OR - 0,2; С.І. - 0,080 - 0,346;  $p<0,001$ ] ва M аллели [ $\chi^2=19,2$ ; OR - 0,3; С.І. - 0,201 - 0,551;  $p<0,001$ ] кузатувдаги беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 3,5 ва 1,7 баробар кам учраб, касаллик кечишида протектив самарага эгалиги маълум бўлди. Ушбу полиморфизмнинг MT генотипи [ $\chi^2=4,6$ ; OR - 2,1; С.І. - 1,050 - 4,291;  $p=0,033$ ] беморларда назорат гуруҳига қараганда 1,5 баробар кўп учраб, касаллик юзага

келиши ҳавфидан дарак беришини аниқлатди. Кузатувдаги барча беморларида ТТ генотиби назорат гуруҳидагиларга нисбатан кўп учради, ММ генотипини ташувчилар сони эса аксинча, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ишонарли пастлиги аниқланиб, Т аллел кузатувдаги 1 - ( $p=0,048$ ) ва 2 - гуруҳ ( $p=0,033$ ) да монозигот, 3 – гуруҳ ( $p=0,033$ ) даги беморларда гетерозигот ҳолатда касаллик юзага келиши ва ноҳуш кечиши билан ҳамроҳанглиги, М аллел ҳар учала гуруҳда ҳам монозигот ҳолатда протектив самарага эгаллиги маълум бўлди,  $p<0,001$ .



**2 - расм. AGT гени M235T полиморфизми аллел ва генотипларини СЮЕ мавжуд беморлар ва назорат гуруҳида учраш даражаси**


М аллел ва ММ генотип 1 -, 2 - ва 3 - гуруҳдаги беморларнинг II ФСда III ФСга қараганда мос равишда 1,2 ва 1,7 ( $p<0,05$ ); 1,3 ва 1,7 ( $p<0,01$ ) ҳамда 1,3 ва 2 баробар ( $p<0,01$ ), Т аллел ва ТТ генотип ушбу гуруҳдаги беморларнинг III ФСда II ФС га қараганда мос равишда 1,2 ва 1,5 ( $p<0,05$ ); 1,2 ва 1,4 ( $p<0,01$ ) ҳамда 1,2 ва 1,6 баробар ( $p<0,01$ ), эркаклар орасида ММ генотиби (1,9 баробар,  $p<0,05$ ), аёлларда эса МТ генотиби (1,2 баробар,  $p<0,05$ ) кўпроқ учраши аниқланди.

МТ ва ТТ генотипларини ташувчи беморларда ММ генотипини ташувчиларга нисбатан СДЎ, ССХ, ССЎ ҳамда ССХ кўрсаткичлари мос равишда 5,3 ( $p<0,05$ ) ва 8,9% ( $p<0,001$ ), 8,0 ва 17,5% ( $p<0,05$ ), 12,8 ( $p<0,05$ ) ва 17,9% ( $p<0,01$ ) ҳамда 22,8 ( $p<0,05$ ) ва 40,6% ( $p<0,01$ )га юқорилиги, ЧҚҚОФ мос равишда 7,7% ( $p<0,05$ ) ва 14,2% ( $p<0,001$ )га пастлиги аниқланди. ЧҚМВИнинг энг юқори кўрсаткичи ТТ генотипли беморларда қайд этилиб, ММ ва МТ генотипли беморларга нисбатан мос равишда 10% ( $p<0,05$ ) ва 13,5% юқорилиги аниқланди. ЧҚнинг ЭГ ТТ генотип ташувчиларда ММ ва МТ генотипларини сақловчи беморларга нисбатан 29,4 ва 17% га кўп учраши маълум бўлди.

Демак, AGT гени M235T полиморфизмининг М аллели ва ММ генотиби касалликнинг энгил ФСда кўпроқ учраши уларнинг ҳимояловчи таъсир

самарасига эгалиги, ушбу полиморфизмнинг Т аллели, МТ ва ТТ генотиплари касалликни оғир ФС ва юракни оғир даражадаги ремоделланиши юзага келиши, касалликни нохуш кечиши билан ҳамоҳанглиги маълум бўлди.

Тадқиқотимизга жалб этилган беморларда АТІІR1 гени А1166С полиморфизмининг АА, АС ва СС генотипларини учраши назорат гуруҳи билан қиёсланганда, мос равишда 80,0 га қарши 41,9; 15,0 га қарши 40,0 ҳамда 5,0 га қарши 18,1% нисбатда қайд этилди (3 - расм).



**3-расм. АТІІR1 гени А1166С полиморфизми аллел ва генотипларини СЮЕ мавжуд беморлар ва назорат гуруҳида тарқалганлиги**

Ушбу полиморфизмнинг СС [ $\chi^2=5,4$ ; OR - 4,2; С.І.- 1,970 – 18,160;  $p=0,021$ ] ва АС генотипи [ $\chi^2=10,2$ ; OR – 3,8; С.І.- 1,519 - 9,392;  $p=0,002$ ] СЮЕ мавжуд беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда мос равишда 3,6 ва 2,7 баробар кўп учраб, улар иштирокида касалликнинг ривожланиш эҳтимоли [мос равишда 4,2 ( $p=0,021$ ) ва 3,8 ( $p=0,002$ ) баробар] ишончли даражада юқорилиги маълум бўлди. АА генотипи [ $\chi^2=20,6$ ; OR– 0,2; С.І.- 0,079 - 0,410;  $p<0,001$ ] эса назорат гуруҳида СЮЕ мавжуд беморларга қараганда 1,9 баробар кўп учраб, касаллик юзага келишида ишончли даражада протектив самарага эгалиги маълум бўлди.

